Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 7 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 35 (6931)

Da'vat

Оз бўлса ҳам билмоқ учун кўп ўқимоқ зарур.

Ш. Монтескье.

Ibrat

Чироқчи туманидаги Оқтўпли қишлоғида истиқомат қилувчи тадбиркор Фармон Холбутаев Бобур номли мактабни таъмирлаш, ўқув жиҳозлари сотиб олиш ва аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида шахсий жамғармасидан 10 минг сум ажратди.

Ўзбекистон — Италия

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Кўҳна ва навқирон Италия мамлакатининг нафақат Европада, балки жаҳон давлатлари орасида ҳам муносиб ўрни бор. Ҳар нечук қадимдан тараққиёт бешикларидан бири саналган бу давлат бугунги кунда ҳам дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар «еттилиги»дан мустаҳкам жой эгаллагани бежиз эмас. Албатта, бундай юксак мавқега Италия ўз халқининг тадбиркорлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли эришган ва эришиб келмоқда.

Ўзбекистон истиқлолга юз тутгач юртимизда амалга оширилаётган муваффақиятли иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий барқарорлик ва тинчликсевар ташқи сиёсат кўпгина ривожланган давлатлар қатори италияликларда ҳам мамлакатимизга нисбатан чуқур қизиқиш уйғотди. Италия тадбиркорларининг мамлакатимизга ишонч билан ўз сармояларини киритишлари натижасида эса бугун кўплаб ўзбек-италян қўшма корхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Яқинда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарувчи ва ҳар иккала давлат учун ҳам юксак аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеа юз берди. 2-4 май кунлари Италия Президенти Оскар Луиджи Скалфаро расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ғоят самарали кечган ушбу сафар аввалида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов билан Оскар Л. Скалфаро ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида халқаро сиёсатда юз бераётган ўзгаришлар, муаммолар, хусусан халқаро террорчилик, контрабанда, уюшган жиноятчилик ҳамда Европа ва Осиёда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг икки давлат Президентлари иштирокида Ўзбекистон ва Италия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида «Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида ўзаро муносабатлар қатъиятлари тўғрисидаги қўшма декларация», Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки мамлакат ўртасида маданий ва илмий ҳамда туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Юксак мартабали меҳмон ўз сафари давомида Тошкентнинг бир қанча диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Италия Президентининг мамлакатимизга қилган ушбу ташрифи Ўзбекистон—Италия муносабатларини янги босқичга олиб чиққанлиги ва ҳамкорлигимиз тарихида муҳим саҳифа бўлиб қолиши, шубҳасиз.

«Маърифат» шарҳловчиси.

ЭРТА УЧУН БУГУН ЖАВОБГАР

КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Эртага — 8 май куни бугуннинг энг долзарб масалаларидан бири «Давлат, оила ва жамият — ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуидаги конференция ўз ишини бошлайди.

Ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, чиқарилаётган фармон ва қарорлардан кўриниб турибдики, жамиятдаги барча қатламлар ўз вазифасини англаб боряпти ва бу англаш турмуш тарзимизни тартибга солаяпти. Навбатдаги масала — бола тарбиясида давлат, ота-она, мактаб ва жамоатчиликнинг амалдаги хамкорлиги муаммосидир. Боланинг тарбиясига, илм, ҳунар ўрганишига кимлар жавоб беради? Тўғри айтасиз, аввало ота-она, мактаб, маҳалла — жамият жавоб беради. Бугун бизни бир нарса ўйлантирмоқда — барча ўзини жавобгарликдан олиб қочмоқда. Муддао аниқ. Ҳаммамиз жавоб беришимиз керак. Бироқ қай тарзда?

Бола касб ўрганишдан, илм олиш ўйидан йироқда, дейлик, бозорда. Хўш, болани қай йўл билан бозордан қайтарамиз (ёки касб ўргатамиз)? Бунда ота-онанинг жавобгарлиги қандай? Мактабнингчи? Маҳалланинг-чи? Қуйида бозордаги бола борасида жавобгарликдан қочаётган оила, мактаб ва иши сезилмаётган маҳалла ҳақида қисқача мақолани ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ҚАНЧАЛИК БИЗДА?

Ҳар бир даврнинг ўз одамлари бор. Ўша давр муҳитининг соғломлигига қараб одамларининг ҳам тарбияси нечоғлигини кўриш мумкин. Демак, давр — тарбия кўзгуси.

Инсон ўз даври манфаатини ўз манфаатидек ҳимоя қилиши лозим. Унинг соғломлиги йўлида ўзига раво кўрган муомалада бўлиши керак. Тўғри-да, носоғлом давр замирида дунёга келган янги даврдан нима кутиш мумкин? Демак, бугунга кеча, эртанги кунга эса бугун жавобгар бўлади.

Дарҳақиқат шундай экан, биз бугуннинг одамлари елкамиздаги масъулиятнинг нечоғлигини қанчалик ҳис қиляпмиз?

БОЗОРДА КЕЧАЁТГАН БОЛАЛИК

Марказий Қўйлиқ бозори. Одам гавжум... Бақириқ-чақириқ...

«Ҳар кимнинг ҳар дарди бор» деганларидек, менинг дардим бирорта «бизнес-ўқувчи» билан суҳбат қилишим керак эди. Тўғриси юрагим бетламаяпти. Ҳув анави шапқали болани чақирсамми? Йўғ-е. Қўлидаги чангаллаб турган пулни қаранг. Войбў сўзамоллигини айтмайсизми?..

Одатда журналистларни гапга чечан бўлади, дейишади. Йўқ, бу ёлғон экан. Ана, қаршимдаги «журналист»нинг қўлига ман-ман деган нотиқ ҳам сув қуёлмайди.

Хуллас ёнимдан утаётган 3—4 болани саволга тутдим:

— Мактабда ўқийсанми?

— Ҳа, нимайди?

— Қаерда, қайси мактабда ўқийсан?

— Сирғали туманидаги 305-мактабда.

— Нега мактабга бормай, бозорда юрибсан?

— Онам олиб қолди. Анақа, бугун «Ипподром»дан мол олиб келиши керак экан.

— Сен-чи, сен қайси мактабда ўқийсан?

— Мен Бектемир туманидаги 290-мактабда ўқийман.

— Ёнингдаги бола синфдошингми?

— Йўқ. Мен Сирғали туманидаги 277-мактабда ўқийман, — дейди қорачадан келган бола ҳозиржавоблик билан.

(Давоми 2-бетда).

«МАЪРИФАТ»НИНГ ЎЗ СОВРИНИ БОР

Куни кеча барча орзиқиб кутган «Ҳавас-97» турнири тантанали очилди. Унда иштирок этган, биринчи босқич мусобақаларини кузатиб борган ҳакамлар қатори исроиллик бош ҳакам Ян Фрумен сўзга чиқиб, Президентимизнинг турнирни ташкил қилиш ғоясини, утган йилга нисбатан мусобақаларнинг анча яхши утаётганлиги, иштирокчиларнинг ҳам маҳорати сезиларли даражада ошганлиги, теннис кортларининг жаҳон андозалари даражасида тайёрланганлигини ва шу билан бирга Узбекистоннинг жаҳондаги обрусини юксак баҳолади.

Мусобақа давом этмоқда.

«Ҳавас-97» турнири иштирокчиларига оммавий ахборот воситалари, анъанага кўра, ўз совринларини таъсис этишган. Табиийки, теннисчиларнинг барчаси маърифатли ва зиёпарвар инсонлардир.

«Маърифат» газетаси ҳам энг маърифатли уйинчи учун ўзига хос махсус соврин тайёрлаган. Соврин эгасини кутмоқда.

У. ОДИЛОВ.

Aks sado

НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сонли қарорига асосан барча турдаги таълим муассасалари аттестация ва аккредитациядан ўтишлари шарт. Ҳозир биринчи давра якунланай деб қолди. Сир эмаски, 95-98 фоиз атрофида ўқув юртлари «Аттестациядан ўтди» деб баҳоланади. Лекин барча ўқув юртларида иш бир хил эмас-ку! Нима учун мактаб, боғчаларда ўқитувчи ва тарбиячиларни аттестациядан ўтказганда уларнинг меҳнати ва унинг натижасига қараб уларга тоифалар берилади-ю мактабларга бу принцип қўлланилмайди? Туман, шаҳар, вилоят ҳаттоки, республикада илғор, машъал мактаблар бор. Барча яхши ишлар, янгиликлар, ташаббуслар улардан чиқади. Шу билан бирга туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги танқидлардан четда қолмайдиган мактаблар ҳам бор. Мазкур мактабларнинг жамоаларига бир хил баҳо бериш адолатдан эмас-ку!

Газетанинг 1997 йил 5 апрелдаги 27-сонида Давлат стандартлари бўйича Республика инспекцияси бошлиғи Р. Аҳлиддиновнинг «Аттестация ва аккредитация — таълимнинг адолат мезони» сарлавҳаси остида газета мухбири билан қилган суҳбатини ўқиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Суҳбатда аттестация ва аккредитациянинг бундан кейинги муаммолари баён қилиниб, худди юқоридаги фикр ўртага ташланган. Шунинг учун менинг таклифим: бу масалани узоққа чўзмасдан аттестация ва аккредитациянинг иккинчи босқичидан бошлабоқ аттестациядан ўтган ўқув юртларига «Аттестациядан ўтди ва (олий, биринчи, иккинчи, учинчи) тоифа берилди» деб баҳолашни жорий этиш керак. Бунда масалага адолат кўзи билан қаралса кифоя.

Иккинчи мулоҳаза. Мен 8 йил оддий ўқитувчи, 10 йил илмий бўлим мудири, 9 йил мактаб директори бўлиб ишладим. Шунинг учун ҳозир мактаб директори бўлсам ҳам ўқитувчи меҳнатини ҳурмат қилган ҳолда бир фикр билдирмоқчиман. Мактаб жамоасида ташкилотчилиги ва ўқувчиларга билим беришда талабчанлик қилиши ҳамда ўзи ҳам илмли бўлган ўқитувчиларга моддий ва маънавий рағбатни кучайтириш лозим. Бу пайтда меҳнат стажи ёки унинг ёшини мустасно этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, шундай бўлсагина, илмли ўқитувчиларнинг шижоати самимий сабоққа бағишланади.

Усмонжон ДАДАЖОНОВ,
Наманган вилояти Косонсой шаҳридаги 6-мактаб директори, олий тоифали математика ўқитувчиси.

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК НУЖЛАР

Номаълум учувчи жисм атамасининг расмий хабарларда ишлатила бошлаганига 50 йил бўлмоқда. Ўшанда 1947 йили АҚШ учувчисининг ликопча шаклидаги учувчи жисмларни кузатганлиги ҳақидаги ахборот шов-шувларнинг бошланиши эди, холос. Ярим аср ичида Нужларга алоқадор турли ғайри-табиий, физик ҳодисалар билан боғлиқ ёки ёлғон воқеалар тўғрисида кўплаб шов-шувлар кўтарилди. Лондонда бўлиб ўтган уфологларнинг 6-йиллик конференциясида беш қитъадан йиғилган мутахассислар ҳақиқий илмий хулосалар ҳали олдинда, демоқдалар.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

«ВАҚТ МАШИНАСИ»

Кино санъатига улкан ҳисса қўшган актёр Чарли Чаплиннинг ўғли Эжен Чаплин отаси хотирасига атаб «Вақт машинаси» номли боғ барпо этишга киришди. Музей 66 миллион франк ҳисобига санъаткор яшаган Швейцариянинг Веве шаҳрида жойлашади. Машҳур Чарли Чаплин номига ҳануз бирон-бир фонд очилмаганлиги ёки ёдгорлик қўйилмаганлиги сабабли Э. Чаплин ушбу ишга киришган. Бироқ унинг бошқа авлодлари ташаббускорни қўллаб-қувватламаяптилар.

РИВОЖЛАНГАНЛАР КЎПАЙДИ

Халқаро валюта фондининг сўнгги докладларида «саноати» ривожланган давлатлар» атамасининг ўрнига «иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар» терминн қўлланилмоқда. Саноати тараққий этганларга асосан «еттилик» — АҚШ, Канада, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Япония кирар эди. Мутахассислар фикрича, Жанубий Корея, Тайван, Сингапур, Исроил, Гонконг аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад, иқтисодиётнинг серқирралиги жиҳатидан «еттилик»ка тенглашиб бормоқда, шунинг учун улар ҳам тараққий этганлар қаторига киритилди.

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармаси тақсимловчи директорининг ўринбосари Стенли Фишер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов дунёдаги энг йирик ва обрўли банклардан Японияниинг Сакура банки бошқаруви раиси Кен-Ичи Суемацуни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Илҳомжон Неъматов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди ҳамда унга биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилди.

Германия Федератив Республикасида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон маданияти кунлари бу иккала мамлакат ўртасидаги илмий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

АҚШ Давлат котиби М. Олбрайт Москвада Россия ташқи ишлар вазири Е. Примаков билан олиб борган музокараларида НАТОнинг Шарққа кенгайишида келишмовчиликлар борлигини айтди. Мўлжалга кўра Россия билан НАТО ўртасидаги шартнома шу йилнинг 27 майида имзоланиши зарур эди.

Руминия иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатда яшовчи немисларни чиқариб юборишга бош қўшганлиги учун биринчи бор Германиядан расмий узр сўради.

Англияда парламентнинг қуйи палатасига бўлиб ўтган сайловларда ўн саккиз йилдан буён ҳокимиятни қўлдан бермай келган консерватив партиянинг мағлубияти ҳамда лейбористлар партиясининг ғалабаси шов-шувга сабаб бўлди.

ШАЙХ БАҲЛУЛ КИМ ЭДИ?

ЁХУД НАВОИЙНИНГ АКАСИ БЎЛГАНМИ?

Ҳазрат Алишер Навоий шеърияти баайни қимматбаҳо бир гавҳар. Ҳар гал унга нигоҳ ташлаганингизда, турли-турли жилоланиб, кўзлар (кўнгил кўзлари)ни тафаккур нури ила музайян қилади. Ҳар гал янги бир жилвани қашф қиласиз. Зеро, бу шеъриятда «минг маъни бир нуқта билан мухтасар қилинган». Ҳар ким, агар қўлидан келса, ўз фахми тарозусининг имкони қадар, ундаги маъниларни тортиб олиши мумкин. Яна Алишер Навоий ҳаёти ҳам гавҳарга менгзагулик. Унда ожиз кўзларимиз илғай олмаган қанчадан қанча жилвалар бўлганидек, шоир ҳаётида ҳам (гарчи кўп ва хўб тадқиқ этилган бўлса-да) биз тубига етмаган нуқталар бир талай.

Келинг, ана шу талай нуқталардан бирига тўхталиб ўтайлик. Сарлавҳадан таважжуҳингизга етиб турибдики, биз Алишер Навоийнинг акаси бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисида баҳс юритмоқчимиз.

Навоий яшаган даврдан тортиб то ҳозирги кунга қадар дарж этилган таснифларда шоирнинг акаси борлиги тўғрисида маълумот қайд этилмаган. Дарвиш Али исмлик укаси борлиги аёни ҳақиқат. Бобур «Бобурнома»да шундай ёзади:

«Яна Дарвиш Алибек эди. Алишербекнинг туқған иниси эди. Неча маҳал Балхнинг ҳукумати мунда эди. Балхда яхши бекликлар қилди. Тийра мағз ва беҳунарроқ киши эди».

Дарвиш Али тўғрисида Алишер Навоийнинг ўзи ҳам «Мажолис ун-нафоис»да эслатиб ўтади.

Навоийнинг ҳомийлигида яшаб, ижод этган машҳур тарихчи «Ғиёсиддин Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарини синчиклаб ўқиб чиқсак, қизиқ бир жиҳатга дуч келамиз. Хондамир ёзади:

«Султони Соҳибқирон уч кунгача ул аҳли диллар бошлиғининг уйида турди, худойи ва хатм буюрди, шунинг билан бирга нур сочувчи зотнинг мозори бошига бориб, зиёрат шарт-

(Давоми 2-бетда).

ММММ

ХАБАРЛАРИ

АТОҚЛИ АДИБГА АТАЛДИ

Ўзбек халқи билан қозоқ халқининг дўстлиги мустаҳкам ришталар орқали боғланган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Марказий Осиё халқлари Маданияти Ассамблеяси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан буюк қозоқ адиби, академик Мухтор Авезов туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-адабий анжуман буни яна бир бор исботлади.

Анжуманга халқ зиёлилари, академиклардан тортиб, талаба-ёшларгача йиғилишди. Айниқса, Қозоғистондан келган меҳмонларни айтмайсизми? Қозоғистон Халқ ёзувчиси Қ. Турсунқулов, академик Қ. Ергубеков, профессор Ф. Бейтанаев ҳамда Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимларининг ташрифлари барчани қувонтирди.

Ўзбекистон ФА вице-президенти А. Муҳаммаджонов, ЎзФА мухбир аъзоси Б. Назаров, академиклар И. Султонов, А. Қаюмов, ёзувчилар О. Ёқубов, Т. Қодиров, А. Орипов буюк адибнинг жаҳон адабиётидаги тутган ўрни, бой ижодий мероси ҳақида гапирдилар.

УЧРАШУВ ҲАҚИДА ЭШИТДИНГИЗМИ?

Яқинда Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги ихтисослашган Техника коллежида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Тошкент молия институтининг ректори Мурод Шарифхўжаев билан талабаларнинг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, Молия ва банк системасидаги ўзгаришлар хусусида сўзлади. М. Шарифхўжаев йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

Билим даргоҳида бундай тадбирларнинг ташкил этилиши, талабалар билим савияларини ошириш билан бирга уларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеалар билан танишиб боришида муҳим аҳамиятга эгадир.

ТАНЛОВДА ТАНЛАНГАНЛАР

Чуст шаҳар 2-касб-ҳунар мактабида ҳунар таълими муассасалари қошидаги ашула-рақс бадиий жамоаларининг «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг вилоят бўйича якуний танлови бўлиб ўтди. Танловда вилоятдаги 32 та ҳунар билим юртидан ҳудудий танловда ғолибликни қўлга киритган жамоалар иштирок этдилар. Танловда классик ва мумтоз қўшиқ, якка рақс, оммавий рақс, замонавий якка рақс, дуэт ижро этиш шартлари бўйича қатнашувчилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Чортоқ шаҳар 2-касб-ҳунар мактаби жамоаси 1-ўринни, Чуст шаҳар 2-касб-ҳунар мактаби жамоаси 2-ўринни, Чуст шаҳар 15-касб-ҳунар мактаби жамоаси эса учинчи ўринни эгаллашди.

Н. УСМОНОВ, С. ТОШЕВ, С. ЖЎРАЕВА.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ЭРТА учун БУГУН жавобгар

(Боши 1-бетда).

Дарвоқе, болалар билан саволжавоб давомида уларнинг нималарга қизиқишини, дунёқарашларини бироз илгагандек бўлдим. Шу сония кунглимни бири-биридан оғриқли саволлар тимдалаб ўтди. Эртага бутун бир миллат тақдири, Мустақил Ватан қисмати шуларнинг илкида қолади-ку! Нега уларнинг айни илм оладиган даври бозорларга тўкилиб қоляпти? Ота-она нега бепарво? Мактаб қаёққа қараяпти?

Болалардан бирининг мактабига атайин бордик. Директор, синф раҳбари боланинг қаердалигини билишмайди.

Охири сирни фош қилдим. Директор ҳам, синф раҳбари ҳам нуқул айбни боланинг ота-онасига олиб бориб тақашади.

Хуллас, бу синоатнинг поёнига етиш учун боланинг синф раҳбарини олиб «бизнесмен»нинг уйига бордик. Онасининг айтишича, бола мактабдан совиб қолганмиш. Шунинг учун ўқигиси йўқ эмиш.

Шу пайт чеккароқда қалин қошларини чимириб турган қиз (У боланинг опаси экан) беихтиёр гапга аралашди.

— Манга қаранг, Сизга нима керак ўзи? Укамни мактабда ўқитиш ўқитмаслик — бу бизнинг оилавий ишимиз-ку? Қолаверса, ўқиганлар нима бўлаяпти ҳозир? Мана, битта мен. Мактабда яхши ўқимаган бўлсам ҳам туппа-тузук ТошМИда ишлаб юрибман.

Мен бошқа гапиролмадим. Мана қаршимда тирик фожиа. Бу гапни эшитган боланинг ўқигиси келадими? Бу гапни эшитган бола мактабдан совимай, ким совисин? Тўғри, бу ерда мактаб ҳам оппоққина эмас. Бироқ бола мактабда узоғи билан 5—6 соат бўлади холос. Демак, тарбиянинг нақадарлиги кўпроқ уйдаги муҳитга боғлиқ.

— Ўғлингизнинг ёмон йўлга кириб кетишидан чўчимайсизми? — дейман боланинг онасига.

— Нега чўчимас эканман? Лекин бизнинг авлоддан ҳали ёмон одам чиққани йўқ. Бундан кейин ҳам чиқмасин илоҳим.

Халқимизда бир нақл бор: «Ҳар ким экканини ўради». Эй яхшилар! Кошки эди энди ҳар ким ўзининг экканини ўзи ўриб «маҳсулоти» дан ўзи фойдаланса? Афсуски, шундай эмас-да? У «экин» аввал ёнидагиларни заҳарлайди, қолаверса, жамиятни, муҳитни касал қилади. Ўзини-ку парвариш қилган «деҳқон»ни мажбурий равишда сингдирилиши шарт эмас, ушбу ҳис ва туйғулар табиий ҳолатда юз берадиган инсонга хос хислатлар сифатида талқин этилади. Шунинг учун ҳам фуқаролар ўз болаларини тарбиялаш, уларга ғамхўрлик қилиш бурчларини ихтиёрий тан олишлари ва тўла тўкис бажаришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилишлари зарур.

Афсуски, болага тарбия беришни барча фуқаролар бир текисда ҳис қилмайдилар. Шунинг учун давлат бу масалага бефарқ қарай олмайди, болаларнинг хулқ-атворини тўғри тарбиялаш, уларнинг келажакда жамиятимиз учун керакли, етук касб эгалари, юқори малакали мутахассислар бўлиб етишиши учун ғамхўрлик қилади. Шунинг учун ҳам давлат болаларни тарбиялаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда бу масалани муваффақиятли ҳал қилишда қонун йўли билан ота-оналар зиммасига зарур бўлган мажбуриятлар юклайди.

Ота-оналарга ўз болаларини бевосита тарбиялаш ҳуқуқи берилиши инсоннинг энг улуғ ва олийжаноб туйғуларидан бири бўлган ота-оналик меҳр-муҳаббатини қаноатлантириш имконини беради. Шу билан бирга бола тарбиялаш ота-онанинг мажбурияти ҳисобланиб, уни қандай амалга ошириш тарбиялаш тартиблари, қонунлар билан ҳам белгиланади.

Аввало шуни алоҳида қайд этиш лозимки, фуқароларни, шу жумладан ёш авлодни ватанга, жамиятга ва халққа садоқат руҳида ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш — муҳим аҳамиятга эга муаммодир.

Биз ушбу мавзуда сўз юритар эканмиз амалдаги қонунлар тўғрисида қисқача гапирмоқчимиз.

1. Узбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг баъзи моддаларини мазмунини таҳлил қиламиз. Кодекснинг 9-боби, «Ота-оналар ҳамда болаларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари». Бу бобнинг (72-модда) мазмуни:

Ота-оналар ўз болаларини тарбиялашга, уларнинг жисмоний камолати ва ўқиши тўғрисида ғамхўрлик қилишга, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашга, жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб етиштиришга мажбурдирлар.

Ота-оналик ҳўқуқи болаларнинг манфаатларига хилоф равишда амалга оширилиши мумкин эмас.

Шу Кодекснинг 78-моддасида, болалар тарбияси масаласини ҳал қилишда ота-онанинг бурчлари ҳақида сўз боради.

Никоҳ ва оила ҳақидаги кодексда ёшлар тарбиясига тааллуқли кўп қоидалар ўз ифодасини топган. Оилада болалар тарбияси ота-оналар томонидан болалар манфаатларини ҳисобга олиб, биргаликда ҳал қилиниши лозим. Никоҳ бекор қилинган бўлса ёки эр-хотин бирга турмаган тақдирда ҳам ота-она бола тарбиясидан озод қилинмайдилар, биргаликда жавоб берадилар. Оилада юксак инсоний муносабатларнинг вужудга келиши ва мустаҳкамланишида ота-онанинг роли бениҳоя катта. Ота-онанинг маданий даражаси, ахлоқи сиёсий савияси ва билими қанчалик юқори бўлса, улар оилада бола тарбиялаш бурчларини шунчалик яхши бажариб, болаларини Ватанга садоқатли, чин виждонли, маданиятли ва меҳнатсевар қилиб тарбиялай оладилар.

Узбекистон Жиноят кодексида болалар тарбияси учун моддий ва маънавий шароитлар яратишга зид келадиган ва зарар берувчи турли ҳаракатларга нисбатан тегишли жазолар белгиланган. Масалан, болаларга нафақа тўлашдан ёки болаларни боқишдан қасддан бош тортганлик васийлик ҳуқуқларини суистеъмол қилганлик, бировларнинг боласини ўғирлаш ёки алмаштирганлик, болаларни наркотик воситаларини истеъмол қилишга мойил этиш, вояга етмаганларни жиноят қилишга жалб этиш, вояга етмаган шахсни ичкиликбозликка бошлаш, вояга етмаган шахсларни кайф қилдирадиган доривор ва бошқа воситаларни медицина мақсадларидан бўлак мақсадда истеъмол қилишга тортгани учун тегишли жазолар Кодексда кўзда тутилган.

Маълумки, инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг кучқудрати фуқароларнинг маънавий-маърифий савияси, даражаси билан баҳоланади.

Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунини ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор.

Мақолани республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ёш авлод тарбияси ҳақидаги қуйидаги яхши ният ва истак сўзлари билан тугаллашни лозим кўрдик:

«Давлатимиз хавфсизлигини таъмин этишнинг асоси — мамлакатимиз ёшлари, ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг бахт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз. Нафақат хавфсизлигимиз, шу билан бирга миллий уйғониш ғоясининг амалга ошиши, давлатимизнинг келажакда барқарор бўлиши ҳам ёшларимиз қандай шаклланишига бевосита боғлиқ... Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, тарихимизни, маданиятимизни, буюк аждодларимиз қолдирган меросни чуқур билмоғи керак. Бизнинг асосий куч-қудратимиз ва келажагимиз ана шунда. Бугун зўр умидлар билан қураётган янги жамиятимизнинг мазмун-моҳияти ҳам аслида ана шундадир.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

ЁШ АВЛОДНИНГ ТАРБИЯСИ ҚОНУНЛАРИМИЗДА ҚАНДАЙ КЎРСАТИЛГАН?

Сўнгги сўз

Сиз бу сингари болаларни 1—2 та деб ўйлайсизми? Асло! Демак мақоламизнинг муқаддимасида олдимизга қўйган саволимизга энди нима деб жавоб берсак адолатга тўғри келади?

Афлотун ҳаким айтади:

— Фарзандларингизнинг илм ва одобини ўзингизнинг илм ва одобингиз билан улчаманг. Уларни келгуси замон учун тайёрланг. Чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир.

Келажак олдида қанчалар қарздормиз. Биз ёш авлодни ҳали кашф этилмаган имкониятларга мос тарзда тарбия бермоғимиз даркор экан. Биз — катталар эса тарбия бериш эмас, ҳали ўзимизнинг кўпчилигимиз тарбияга муҳтож бўлиб турсак, не тонг.

Дарҳақиқат, юқоридаги «бизнесмен ўқувчилар»нинг билим савияси бугунги олаётган баҳолари тўғрисида гапириб ҳам ўтирмадик. Бу жараён шундоқ ҳам барчага аён. Аммо ажабланарлиси шундаки, эртага шу сингари ўқувчилар ҳам синфдан-синфга ўтади. Шу ўринда қизиқ бир савол туғилади. Нега бугун мактабларда ўқувчи деярли синфдан-синфга қолдирилмаяпти. Энди бунинг иккита томони бор: ё бугун болаларимизни «яхши ўқимаяпти» деб нолишимизга ҳаққимиз йўқ, ёки...

Ҳозир барчамизни бироз ҳисоблашишга мажбур этадиган бир муаммо бор — бу иқтисодий ўтиш даврининг қийинчиликлари. Бироқ мазкур муаммо ҳам таълим-тарбия жараёнига жиддий таъсир этмаслиги керак. Негаки, мактабда, маҳаллада кам таъминланган болаларга моддий ёрдам бериш йўллари борку! Менимча бугун маҳалла фаолияти таълим-тарбия жараёнида яхши кўринмай қолаяпти.

Алоҳа, ҳаётни нотўғри англаб, улгайган бола ачиган мевага ўхшайди. Энди уни тузатиш анча мушкул. Шундай экан, нечун бепарвомиз? Бепарволик ҳам фожиа эмасми?

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз мақолада келтирилган мактабларнинг рақамларини аниқ берган бўлсак-да, болаларнинг, мактаб ўқитувчиларининг исм-фамилияларини атайин тушириб қолдирдик. Чунки юқоридаги гаплар 1—2 та мактаб учунгина эмас. Бизнинг бу борадаги чиқишларимиз ҳали давом этади. Мақоладаги умумий гапларимиз дастлабки огоҳлантиришимиз бўлса керак.

ШАЙХ БАҲЛУЛ КИМ ЭДИ?

(Боши 1-бетда).

ларини бажо келтирди, олий насаб Амирнинг улуғ биродари амир Низомиддин Шайх Баҳлул ва ул жанобнинг ўғилхони амир Камолуддин султон Ҳусайнга ва олий Ҳазратнинг бошқа яқинлари ва мулозимларига меҳрибонлик кўрсатди».

Фаҳмингизга етиб турибдики, гап бу ерда Ҳазрат Навоий вафоти ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг ул зоти шариф қариндошларига билдирган таъзияси ҳусусида боряпти. Ва шоирнинг яқинлари сифатида биринчи бўлиб: **«олий насаб Амирнинг улуғ биродари амир Низомиддин Шайх Баҳлул»** тилга олинади. Кейин эса бошқа **«яқинлар ва мулозимларга меҳрибонлик»** кўрсатилгани таъкидланади.

Таъзия, аввало майитнинг энг яқин қариндошига билдирилади. Демак, Шайх Навоийга шундай ришталар билан боғланган. Иккинчидан, **«улуғ биродар»** (бародарэ бўзург) ака дегани. Алалхусус, амир Низомуддин Шайх Баҳлул Алишер Навоийнинг туғишган акаси бўлиб чиқади.

Шу ерда турли иштибоҳ пайдо бўлмаслиги учун, бир ҳолатга ойдинлик киритиб ўтиш керак бўлади. Зайниддин Восифий «Бадое ул-вақое» асарида Шайх Баҳлул отлиқ киши ҳақида гапириб, Навоийнинг мулозими эди, дейди:

«Жаҳон Мирнинг Шайх Баҳлул деган мулозими бўлиб, уни ҳазрат ўзининг маслаҳатчиси, ишончли, эътиқодли ва эътимодли кишиси деб биларди, ўзининг жузъий ишидан муҳимигача, озидан кўпигача, майдасидан тортиб йиригигача — бутунлай ҳамма-ҳаммасини унинг кифоятли кафти ва ишбилармон ихтиёрига топшириб қўйган эди».

Восифийнинг ушбу сўзларига икки жиҳатдан мулоҳаза билдириш мумкин. Хондамир **«амир Низомуддин Шайх Баҳлул»** деб ёзади. Ҳартугул, амир, яна бунинг устига, «Низомуддин» рутбали амир билан мулозим ўртасида фарқ катта. Иккинчидан, Хондамир Навоийнинг замондоши, унинг ҳомийлигида, у билан ҳамнафас бўлиб яшаган. «Макорим ул-ахлоқ»да ҳам асосан, ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеаларни иншо этади. Зайниддин Восифий эса Алишер Навоий вафот этган маҳали эндигина ўн беш яшарлик ўспирин бўлган. «Бадое ул-ваққое»даги аксар воқеаларни ҳам эшитган нақллари асосида ёзади. Демакки, Хондамирнинг адашиши мумкин бўлмаган ҳол. Ва ишонч тарозуси кўпроқ у томон оғади.

Алоҳа, амир Низомуддин Шайх Баҳлул Алишер Навоийнинг акаси деган фикрга келишга журъат этдик. Албатта, бу бизнинг шахсий мулоҳазаларимиз. Нуктадон олимларимиз янада ойдинлик киритиб беришар.

Асқар ШОКИР.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИДА

«Соғлом авлод учун» журналининг 2-сони босмадан чиқди. Журналхонларимиз ушбу сонда қизиқарли мақолаларни ўқишлари мумкин. Жумладан, Эркин Ҳаққулов қаламига мансуб «Мижоз» мақоласида илдизи узоқ мозийга бориб тақаладиган Туркистон халқлари табобатидаги мижоз атамаси, унинг моҳият ва мазмуни ҳақида фикр юритилади. Сиз бу мақола орқали инсон мижози тўғрисида, яъни ўзингизнинг қайси мижозга мансублигингиз, қандай таомлар фойдалиги ҳай бири зарарли — шулар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўласиз.

«Чотқолда қиш» мақоласида доривор ўсимликлар ҳақида фикр юритилади. «Чиллабулоқ» мақоласида Яккабоғ тумани Ўғин қишлоғидаги чиллабулоқ сувининг нақадар шифобахшлиги таърифланиб, илмий ўрганишга даъват этилса, «Қорабулоқ» мақоласида сув сатҳидан беш минг метр баландликда, тоғ тепасида отилиб чиқаётган муъжизакор булоқнинг сир-асрорлари сизни ҳайратга солади.

Бундан ташқари журнал саҳифаларида навоийлик Раҳим Қодирнинг кўпкари ва отларга бағишланган ажойиб мақоласини, бир ёшдан икки ёшгача бўлган болани қандай тарбиялаш, қанақа уйинларга машғул қилиш, қандай овқатлар билан овқатлантириш, умуман, ҳаёт тарзи ҳақида маслаҳатли фикрлар ёзилган. М. Шамснинг мақоласини, жиззахлик Ойқизмомо Усар қизининг ажойиб халқ донишмандлигидан намуналарини ўқийсиз.

«Оила нуфузи — жамият кўрки» мақоласида никоҳ ва эр-хотинлик ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари ҳақида фикр юритилади.

«Аждодлар даъватига авлодлар жавоби» мақоласида тарихимиз илдизлари, яъни эски ёзув ва битикларимиз Кул тигин ёдгорлиги ҳақида маълумотлар ёзилган бўлиб, сиз қизиқиб ўқийдиган мақолалардандир.

Умуман, ушбу сон ажойиб маълумотларга бой бўлиб, журналхонлар қизиқиб ўқийдилар, деган умиддамиз.

У. ОДИЛОВ.

Taqriz

ОҲАНГЛАР ТАСВИРИ

Буюкларимиздан бири шундай деган экан: «Қалб тафаккурдан кўра оҳангда кўпроқ кўринади». Бу жуда тўғри тавсиф. Бироқ, ижоднинг шундай бир тури мавжуд-ки, унда қалб оҳангдагидан кам акс этмайди. Англаётган бўлсангиз керак. Бу бизга ҳеч бир фикрсиз, оҳангсиз кўп нарсалардан, дунёни сақлаб қолувчи гўзалликдан хабар бериш қудратига эга бўлган тасвирий санъатдир. Биз жаҳон тасвирий санъати ҳақида мукаммал фикрга эга эмасмизу аммо унинг бир жузъий ҳисобланган Ўзбекистон тасвирий санъатига тўхталишга имкон топсак бўлади. Юртимиз тасвирий санъати намуналари сифатида тарихнинг тилсиз гувоҳлари бўлган қоятош суратлари, ҳайкалларни келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг қамрови кенг. У жуда кўп рисолаларга мавзу бўла олади. Норсаид Ойдиновнинг бу борадаги меҳнати самараси бўлмиш «Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар» китоби поёнида катта бир умид бўлган йўлдаги дастлабки қадамдир. Муаллиф тасвирий санъат, унинг тур ва жанрлари, ўтмиш ва ҳозирги давр рассомлари ҳақида мухтасар, аммо мукаммал маълумотлар келтиради-ки бунга назаримиз тушмаслиги мумкин эмас.



Қўлланманинг кўзга биринчи галда ташланган жиҳати шуки, унда ҳар бир даврдаги тасвирий санъатнинг ўзига хос томонлари, ютуқ ёки камчиликлари ҳақида сўз юритилган. Бу қувонтирди. Чунки ёшларда санъатга қизиқиш, уни тушуниш ҳиссини уйғотиш, улардаги гўзаллик ва нафосатни тарбиялашдаги энг қулай восита ҳисобланади.

Тасвирий санъат игнадан қудуқ қазиш билан баробар машаққатли иш. Машаққатли меҳнат ҳақида фикр юритмоқ ҳам мушкулотлардан холи эмас. Шундай экан, муаллифнинг изланишларини юқори баҳоласа бўлади.

Гўзалликни тушуниш, уни сева билиш лаёқатига эга бўлган инсонгина маданиятли бўла олади. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида тасвирий санъат ўзининг кўплаб ихлосмандларига эга эканлиги бежиз эмас.

Ўйлаймиз-ки, қўлланма тасвир санъати ихлосманларини қувонтиради, улар билимини янада бойитади.

Гулноз МЎМИНОВА.

МЕТАЛЛ — БОЙЛИГИМИЗ

Навоий педагогика билим юрти жамоаси 36, 250 тонна қора ва 200 кг рангли металл парчаларини давлатга топшириб, 1997 йил режасини ортиғи билан бажарди.

***

Беруний педагогика билим юрти жамоаси ҳам 35,07 тонна қора металл парчаларини топшириб, бу йилги режани бажарганлиги ҳақида хабар беради.

ДИЛ МАКТУБИ

Букадан Ангрен шаҳрига кетаётган автобус катта йўлга тушди. Узоқдан қорли чўққилар кўзга ташланади. Шаҳарга кираверишдаги кўп қаватли бинолар салобатлилиги билан гўзал. Уша биноларнинг бирига «Узбекистон ва Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган «Узбек-Турк лицейи» деб ёзиб қўйилган лавҳани ўқиб, ҳаяжондан бир энтикиб қўйдим. Ўғлим Бехзотжон шу лицей ўқувчиси.

Бу даргоҳда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Биринчи ярим йилликнинг ўзидаёқ ўқувчилар инглиз ва турк тилларини бемалол сўзлаша оладиган бўлишди. Бундан кўринадики, Турк лицейи мудирлари Гулбеги Аккурт ва Ботир ака бошчилигидаги ўқитувчилар жамоаси ўз бурчларини аъло даражада бажармоқдалар.

Президентимиз нутқларининг бирида «Ота-она вужуд меъмори бўлса, муаллим қалб меъморидир», дея ўқитувчилар меҳнатини жуда юқори баҳолаган эди. Ана шундай қалб меъморларидан Одил Гулашти, Холис Сағирли, Ҳусейн ога, Фотима опа, Санобар опа, А. Бекназаров каби мураббийларнинг меҳнати ҳақида қанча ёзсам, шунча кам!

Хуллас, Ангренда бир лицей бор. Унда ўз касбининг фидойилари меҳнат қилишмоқда.

Муҳтарам УСМОНОВА.
Бўка тумани, С. Саймоқов жамоа хўжалиги.

ЭЛ ТАНИГАН ЭЛЧИ АКА

Бундан роппа-роса олтмиш йил муқаддам Бўстонлиқда оддий деҳқон оиласида бир ўғлон туғилди. Ота-она катта ниятлар билан халққа хизмат қилиб юрсин, дея гўдакка Элчи, деб исм қўйди. Бугун ўша ўғлон, эл таниган олим — Элчи Файзибоев!

Элчи Файзибоев 1958 йили Урта Осиё давлат университетини математика ихтисоси бўйича битирди. Шу йили у Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига йўлланма олди ва академик Қори-Ниёзий бошқарган «Олий математика» кафедрасида ассистент бўлиб ишлади. Домла Қори-Ниёзий Э. Файзибоевнинг истеъдодини, тиришқоқлигини пайқаб, унга илм-фан билан шуғулланишга, аспирантурада ўқишга маслаҳат берди.

1959 йил Э. Файзибоев ҳаётида янги босқич бошланди. У Киевга бориб, бу шаҳардаги Украина фанлар академиясининг математика институти аспиранти бўлди. Мазкур институтда унинг илмий ишига академик Ю. А. Митропольский раҳбарлик қилди.

Э. Файзибоев бошида халқ хўжалиги ва ҳарбий соҳага бевосита тааллуқли бўлган секин ўзгарувчан параметрли, чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг айрим муаммолари билан шуғулланди, чунки жуда кўп техника сирлари ана шу тенгламалар орқали ўз ечимини топарди. Академик Ю. А. Метропольскийнинг бу соҳадаги илмий, назарий ва услубий ишлари ўз давридаги биринчи, айтиш мумкинки, энг муҳим ечим ҳисобланган эди. У ўз шогирдлари диққат-эътиборини янгидан-янги муаммоларни ечишга қаратди. Э. Файзибоев илмий фараз услубидан фойдаланиб, ўз билимини «ҳаракатлантирмайдиган» ҳаракат тенгламасининг даврий ечими устида ишлаб, бу муаммони чизиқсиз дифференциал тенгламалар орқали ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшди, ўз илмий натижалари билан бир қанча собиқ Иттифоқ илмий конференцияларида, халқаро конференциялар ва симпозиумларда қатнашди, математик олимлар орасида танилди.

1963 йили физика-математика фанларига номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя этди, Узбекистон Фанлар Академиясининг математика институтига катта илмий ходим бўлиб ишга келди.

1966 йили академик Т. Н. Қори-Ниёзийнинг таклифи билан у Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти «Олий математика кафедрасига доцент, кафедра мудири муовини бўлиб ишга ўтди, талабаларга юксак назарий ва услубий савияда маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиб институтда обру қозонди. Э. Файзибоев 1970 йилдан бошлаб ҳозиргача институтнинг «Олий математика» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. У Марказий Осиё, хусусан Узбекистоннинг қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали мутахассис-муҳандислар тайёрлаш билан бирга дифференциал тенгламалар йўналиши бўйича илмий ишларни давом эттираётир. Дарслик, ўқув-услубий курсатмаларни ёзишда самарали меҳнат қилиб, жамоат ишларида, таълим, тарбия ва мафкуравий ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. 1982—1986 йиллари у умуммухандислик факультутига декан, 1991—1996 йиллари эса, умуммухандислик ўқув маркази бўйича проректор лавозимларида ишлаб илмий-техника асри талабига яраша ўқув жараёнини ташкил этишда, талабаларга ягона дастур асосида умуммухандислик фанлари бўйича дарс беришни уюштиришда самарали фаолият олиб борди ва ўзининг ташкилотчилик қобилиятини юксак даражада намоён этди. Айниқса, бу унинг ўқув хўжалиги қошида тайёрлов бўлимини, Ургенчда умуммухандислик факультети филиалини, Самарқанд, Куқон, Нукус, Қарши, Янгиер шаҳарларида сиртқи ўқув-консультация пунктларини очишда фаол қатнашганлигида яққол кўзга ташланди.

Э. Файзибоев дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашга ҳам катта эътибор берди, таълим ва тарбия, ташкилотчилик ишини қўшиб олиб борди. У 45 илмий, услубий китоблар, рисола ва қўлланмалар муаллифи. Бу ишлари учун у 1990 йили профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди. Проф. Э. Файзибоев ҳақиқатгўй, талабчан, элим, юртим деб ёниб яшайдиган ходимдир. Унинг Узбекистон Республикасининг қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги, илмий-педагогик, услубий, тарбиявий — мафкуравий хизмати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди: у бир қанча медаллар, шу жумладан «Мустақиллик» медали соҳиби, Республика сув хўжалиги аълочиси, Узбекистонда хизмат курсаттан халқ таълими ходимидир.

Хулоса қилиб айтганда, профессор Элчи Файзибоевнинг сермазмун ҳаёти, илмий-педагогик, ташкилотчилик фаолияти мустақил Ватанимизга, халқимизга хизмат қилишнинг намунаси бўлиб, бу намуна ҳозирги ҳар бир ёш авлодга ибрат бўла олади.

Акмал АКРАМОВ,
профессор.

Iqtisod saboqlari

МУЛК НИМА ВА У ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Ўқитувчи бир ўқувчидан суради:

— Собиржон, қани айт-чи сенинг оилангда қандай мулклар мавжуд ва уларнинг эгалари кимлар?

Собиржон ўрнидан туриб, ўқитувчисига жавоб берди:

— Бизнинг оиламизда дадамнинг ва ойимнинг мулки, опа ва укаларимнинг мулки ҳамда менинг мулким мавжуд. Дадамнинг мулки деб ҳовлида турган автомобилни, иш хоналаридаги китобларини, ёзув столини, қоғозлар солиб юрадиган папкасини ва бошқаларни айтамиз.

Ойимнинг мулкига ва барча фарзандларининг мулкига, асосан, кийим-кечаклар ва пойабзаллар, ҳар хил ўйинчоқлар (укамнинг мулки) киради. Қолган нарсалар оиланинг умумий мулки бўлиб, уларга уйдаги барча анжом-ускуналар, идиш-товоқлар, озиқ-овқатлар ва бошқалар киради.

— Иморат-чи, ҳовлидаги нарсалар ва мева бераётган дарахтлар ва гуллар-чи? — деб суради ўқитувчи. Собиржон уларнинг ҳаммаси ҳам оиланинг мулки эканлигини таъкилади.

Юқоридаги савол-жавобдан биз мулк ҳақида умумий тушунчага эга бўлдик. Шунингдек, ҳар бир мулкнинг аниқ борлигини ва бу мулклар улар ўртасида тақсимланганлигини ҳам билдик. Демак мулкнинг катта-кичиги, арзон-қимматлиги, эски ва янгилигидан қатъи назар, у кимгадир ва кимлардир тегишлидир.

Дарҳақиқат, мулк ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий негизини ташкил этади. Узбекистон Республикасининг Конституциясида мулк ҳақида қуйидаги сатрлар ёзилган: **«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади».** Мулкчилик шаклларининг кўпайиб бориши жамиятдаги моддий бойликларни доимо муомалада, ҳаракатда ушлаб туришга, улардан самарали фойдаланишга имкон яратади.

Мамлакатимизнинг «Узбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонунида таъкидлаганидек, ҳар қандай мулк, унинг қай шаклда ва кимга тегишли эканлигидан қатъи назар, давлат томонидан муҳофаза қилинади. Мулкдор ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

Келинг, бу ўринда «Мулк нима ва у қандай ташкил топади», — деган саволга Энциклопедияда қандай жавоб берилганлигига эътибор қилайлик: «Мулк — моддий бойликларни, аввало ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштиришнинг тарихан қарор топган ижтимоий шакли; ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишиларнинг бир-бирига булган муносабатини ифодалайди...» Мулк бирор шахсга тегишли булган нарса ва моддий бойликлар мужмуини англатувчи термин (мас. давлат мулки, кооператив мулки, айрим гражданларнинг шахсий мулки).

Демак, ҳар бир аниқ субъект, шахс, жамоа ва давлат ихтиёридаги нарса ва моддий бойликлар (табиий бойликлар ҳам) мулк ҳисобланади.

Мулкнинг эгаси асосан икки кўринишда булади:

— Мулкни ишлаб чиқарган, пайдо қилган, шакллантирган эгаси;

— мулкни сотиб олган, маворага алмаштирган (бартер) мерос булиб ўтган ва ҳ.к. эгаси.

Ишлаб чиқарилган, яратилган ва умуман шакллантирилган мулкнинг қандай кўринишга, миқдорга ва шаклга қараб унинг эгалари бўлади. Масалан, бир давлатнинг барча бойлиги якка шахснинг мулки бўла олмайди. У мулк айни пайтда жамиятники бўлади, аммо ҳаммаси давлат мулки ҳам бўла олмайди. Чунки унинг давлатдан ташқари фуқаролар ва алоҳида гуруҳлар — жамоалар каби ҳам эгалари мавжуд.

Биз юқорида келтирган суҳбатдаги ўқувчи Собиржоннинг хонадонидаги мисолга яна қайтиб, шу оиладаги мулкнинг бош (асосий) эгаси ким экан, — деган саволга жавоб излайлик. Аён бўлишича, Собиржоннинг ўзи, она ва укалари — барча болалар, ота-онасининг қарамоғида. Ўз-ўзидан маълумки, ишламаган, яъни фойдали меҳнат билан шуғулланмаган одам моддий бойликка эга бўла олмайди ва у вақтинча (балоғатга етиб, ишлаш ёшига боргунча) ўз ота-онасининг қарамоғида булади. Демак, оиладаги барча мулкнинг эгалари Собиржоннинг дадаси ва онасидир. Бу ўринда баъзилар «Собиржоннинг онаси ишламаса, у ҳолда мулк эгаси бўла олмайди-ку», — деб эътироз билдиришлари ҳам мумкин. Биз бунга йўқ, уй соҳибасининг ҳам бу оилада мулки бор. «Бу мулк аёл мазкур хонадонга келин булиб тушганида ўзи билан бирга олиб келган мебель, гилам, идиш-товоқ, кўрпа-тўшак ва бошқалардир», — деб жавоб берамиз. Шунингдек, Собиржоннинг онаси хонадондаги умумий мулкнинг (иморат, ҳовли жой ва ҳоказо) бир қисмига эгалик қилишга ҳуқуқлидир.

Мулкнинг асосан иқтисодий моҳияти ва унинг жамиятдаги ўрни, пайдо бўлиши, тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ масалалар ҳам бор. Хусусан, мулк икки манбадан шакллана-ди:

— табиат инъомлари — табиий бойликлар ва бошқалар (табиий ҳолатдаги бойликлар)

— меҳнат маҳсули — моддий бойликлар.

Мулк манбалари қуйидагилардан иборат:

а) Табиий бойликлар:

Ер — ҳудуд, дарёлар, ўрмонлар, тоғлар, кўл-денгизлар, чўл, саҳролар, ер ости ва сув ости бойликлари ва ҳ. к.

б) моддий бойликлар:

Одамлар меҳнати билан яратилган барча бойликлар, завод ва фабрикалар, боғлар, суғориладиган ерлар, экинзорлар, маданий-маърифий объектлар, уй-жойлар, фуқаролар ихтиёридаги бойликлар ва бошқалар.

Мулк битта — бу барча бойлик. Унинг эгаси ва келиб чиқиш манбалари эса кўп хилдир. Одамлар, давлатлар ихтиёридаги мулкнинг миқдори ва чегараси бўлади. Масалан, бир мамлакат ва унинг мулки ердан, сувдан ва ҳаводан маълум чегарага эгадир. Рухсатсиз кирган субъект, шахс, гуруҳлар, транспорт воситалари, ҳарбий қуроллар ва бошқалар давлат чегарасини бузган ҳисобланади. Улар мулкка тажовуз қилувчилар сифатида қораланадилар ва гуноҳкор — жиноятчи деб баҳоланади.

Мулк давлат ихтиёридами, жамоаникими ёки фуқароникими, хуллас кимникилигидан қатъи назар, у инсонга, айни пайтда уша мулк эгасига наф келтириши ва фойда бериши керак. Мулкларнинг барчаси инсонларнинг у ёки бу талабларини қондириш учун хизмат қилади. Масалан, оддий мулк — тувақдаги гул хонани безайди ва ҳавосини тоза ушлаб туришга ёрдам беради. Автомобиль эса юк ташийди, узоғингизни яқин қилади. Сув омборида қиши билан (кераксиз вақтида) йиғилган сувни, ёзда (жуда керакли вақтида) тақсимлаб берилиб, ерларни суғоришга имкон яратилади. Суғориладиган ерларга экин экиб ёки боғ қилиб ва, ҳосил олиб, ундан фойда кўрилади. Хуллас, **мулк нималигидан, қанчалигидан ва кимдалигидан қатъи назар, у жамият тараққиётининг асосини — пойдеворини ташкил қилади.**

Ноҳид НИЁЗОВ,
иқтисод фанлари номзоди, профессор.
Муртазо СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.
(Давоми бор).

Бир неча сондан буён «Иқтисод сабоқлари» рукнида чоп этиб келинаётган, педагогларимиз амалий фаолиятига ёрдам бераётган мақолалар муаллифларидан бири — халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов 60 ёшга тўлди. Одатда бирор киши газетхонларга таништирилганда унинг сурати берилади. Биз бошқачароқ йўл тутдик. Негаки у кишини таништириб ўтиришни ортиқча деб биламиз. Кўп йиллардан буён маориф соҳасида хизмат қилиб келади, кўпчилик танийди, билади.

Бундай фурсатларда яна бошқаларнинг сўзлари ҳам берилади. Бу усул қанчалик манзур бўлмасин, ҳар ҳолда, ташқаридан назар унинг ўз сўзи берган таассуротдан кўпроқ фикр бера олмайди. М. Султоновнинг айтадиган ўз сўзи бор. Дарвоқе, у — Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси. Шу боис ҳам маориф соҳасида йирик муаммолар ҳал этилаётган бир пайтда тўй соҳибининг ўз сўзлари, маърифий қарашлари, нуқтаи назарини эълон қилиб келяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб «Маърифат»нинг кўп сонли муштарийлари номидан Муртазо акани қутлуғ ёши билан табриклаймиз, мустаҳкам соғлиқ, ишларига ривож тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ.

ДАРСИНГИЗГА ДАСТУР КЕРАКМИ?

Ҳурматли муаллимлар! Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув дастури керакми? Балки қўлингиздаги мавжуд қўлланмалардан қўнглингиз тўлмаётгандир. У ҳолда шу йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги А. Асқаров бошчилигида бир гуруҳ олимлар томонидан 5-9-синфлар учун чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» қўлланмасидан фойдаланишингиз мумкин. Қўлланмада «Ўзбекистон тарихи» фани учун ажратилган соатлар ҳам мавзулар бўйича режалаштирилган бўлиб, 5-8-синф ўқувчиларига 34 соат, 9-синф ўқувчиларига эса 68 соат дарс белгиланган.

Дастурнинг афзаллик томони шундаки, унда Ватан тарихи бевосита туман ва вилоят тарихи билан боғлиқ ҳолда ўргатилади. Зеро ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган қишлоғини, маҳалласини, авлоди ва аждоди тарихини билмасдан Ватан тарихини мукаммал ўрганолмайди.

Х. АБДУРАҲМОН.

Tadbir

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА НИМА ГАП?

Яқинда Тошкентда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмиталари раисларининг «Талабаёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг тутган ўрни ва вазифалари тўғрисида» мавзуида республика ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Семинар ишини касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси И. Абдуғаниев бошқарди. Семинарда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг муовини Қ. Аллаев, «Умид» фондининг ижрочи директори М. Қиргизбоев, республикамиздаги етакчи олий ўқув юртларининг ректорлари, кўплаб олимлар, прокуратура, солиқ қўмитаси, банк ходимлари иштирок этишди.

Улар бутун ислоҳотлар жараёнининг долзарб муаммолари, хусусан ушбу даврда соҳа ходимлари, талаба- ёшлар, фахрийларнинг ижтимий-иқтисодий ҳимояси борасида қилинаётган ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинар қатнашчилари Тошкент Давлат университети, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтларида бўлишиб, у ерда қилинаётган ишлар билан танишдилар. Шунингдек, вилоятлар олий ўқув юртлари касаба уюшмаларининг фаолиятлари билан ўртоқлашишди.

Юртимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнидаги моддий қийинчиликлар таълим ва фан ходимлари, талабалар ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Шундай экан, ўтиш даврининг энг долзарб масалаларидан бири — бу имкон қадар уларни ўз вазифалари, яъни ўқитиш ва ўқишдан чалғимасликларини таъминлашдир. Чунки мамлакатимизнинг келажакда қанчалик гуллаб-яшнаши, уларнинг бугунги кунда бераётган ва олаётган билимига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Таъкидлаш жоиз — ҳукуматимиз таълим ва фан ходимлари, талабаларга катта ғамхўрликлар кўрсатяпти. Лекин шу ўринда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда оммавий жамоат ташкилотлари бўлган касаба уюшмаларининг тутган ўрни қандай, деган савол туғилиши мумкин.

Кўпчилик назарида касаба уюшмалари боқиманда ташкилотдек, уларнинг фаолияти одамларнинг ўзиникини олиб, ўзига беришдан иборатдек туюлади. Аслидачи? Семинар давомида шунга амин бўлдикки, ислоҳотлар бош омили бўлган инсон манфаатларини ҳимоя қилишда бу ташкилот ҳам анча ишларни амалга ошираётган экан.

Касаба уюшма қўмиталари стипендия ва ойлик маошларининг ўз вақтида тўланиши, иқтидорли, аълочи ва ёрдамга муҳтож талабаларга, ходимларга бюджетдан ташқари маблағдан қўшимча ҳақ берилиши, уларни соғломлаштириш, дам олиши, ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда асосий ҳимоячилардан бири бўлиб келяпти.

Бу барча тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари маблағларни топишнинг турли усуллари ишлаб чиқилмоқда. Республиканинг қатор олий ўқув юртлари қошида бугун 88 та кичик корхона, 2 та технопарк, 3 та қўшма корхона, 5 та тадбиркорлик марказлари ташкил этилган. Улардан топилган маблағнинг маълум қисми маҳаллий бошқарув, маъмурий органлар билан тузилган битим ва жамоа шартномалари асосида касаба уюшма қўмиталарига тегади.

Қилинган ижобий ишлар талайгина. Лекин бу билан барча ишлар «аъло» деб бўлмайди. Ҳозирги кунда бирорта ҳам олий ўқув юртида жамоа шартномаси тўлалигича бажарилмаяпти. Бор имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ўқитувчи-ходимлар, талабалар ҳаётидаги кўплаб муаммоларни ҳал этиш имкониятларини излаб топиш учун кўп ишлар қилиниши керак. Бу масалаларни ҳал этишда касаба уюшма қўмиталари ҳам тинмай изланишлари зарур.

Р. БОЙМАТОВ.

Maktabgacha tarbiya

БОҒЧАГА КОМПЬЮТЕР

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 84-болалар боғчасида «Ассалом, Навруз!» ҳамда ушбу маскан ташкил топганининг 20 йиллиги байрам қилинди. Унга ташриф буюрган меҳмонлар карнай, сурнай, ноғора ва доира садолари остида кутиб олинди.

Болажонларнинг қувноқ ашула ва шўх рақсларида, инглиз ва корейс тилларида янграган шеърларида Навруз ҳамда жонажон боғчалари мадҳ этилди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Равшан Усмонбеков тантанада сузга чиқиб, жумладан шундай деди:

— **Азиз меҳмонлар, ҳурматли ота-оналар, қадрли мураббийлар! Боғчанинг юбилейи билан сизларни қизғин табриклайман. «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлган мазкур боғчани 1996 йили туман халқ таълими бўлими тасарруфига қабул қилиб олган эдик. Ўтган йилнинг ўзида боғчада 1 та бошланғич синф очдик. Самараси дурустлиги сабабли бу йил ҳам яна битта синф очиш режамиз бор. Мақсад келгусида боғча-мактаб мажмуасини ташкил этиб, унда болаларни 5-синфгача ўқитиш. Боғча 59-мактаб билан ҳамкорликда иш юритаётир. Хорижий тиллардан инглиз ва корейс тиллари ўргатилаётир. Жонкуяр тарбиячилар, мураббийлар, иқтидорли болаларнинг камол топишида сизларга омад ҳамиша ёр бўлсин.**

Шунингдек, бу тадбирда боғчанинг оталиқ ташкилоти — «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти директори Саида Ғаниева сузга чиқиб, мудира Азиза Бурибоева бошчилигида боғчада намунали таълим-тарбия берилиб келинаётганлигидан мамнунлигини айтди. Кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келаётган ходимларга эсдалик совғалари, боғчага эса 2 та компьютер топширди.

Турли ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофидаги меҳмонларга ош тортилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

G'alaba kuniga

ЖАНГЧИ-ПЕДАГОГ ЖАСОРАТИ

Рифқат Тўқаев 1923 йилда Бошқирдистонда туғилди. Олти ёшлигида тақдир тақозоси билан унинг оиласи Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрига кўчиб келишди. Ўрта мактабни тамомлагач, 1939 йилда Бухоро ўқитувчилар институтига ўқишга киради, бироқ бир йил ўтар-ўтмас отаси вафот этгач, ўқишни давом эттиролмай, тумандаги 13-, 43-мактабларда ўқитувчилик қилди. 1943 йил 14 майда урушга кетиб, ғалаба билан қайтди ва ўз фаолиятини давом эттирди.

1953 йили Андижон шаҳрига кўчиб келди ва 14-, 6-, 1-мактабларда илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. 1-мактабда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини яхши йўлга қўйганлиги учун республика танловида биринчи ўринни эгаллади.

Р. Тўқаев 1970 йилдан бошлаб Андижон вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳарбий кабинет мудири вазифасида фаолият кўрсатди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти биология факультетини тамомлади. Унга «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилган.

Айни пайтда нафақахўр Р. Тўқаев қарилик гаштини суриш билан бирга ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Қуйида Р. Тўқаевнинг жангда кўрсатган жасоратидан бир шингил ҳикоя бераяпмиз. Аслида бундайин воқеа-ҳодисалар ўқитувчи-жангчининг уруш йилларидаги ҳаётида ўнлаб содир бўлган.

1-Москва ўқчи-пулеметчилар билим юртида тўрт ой таҳсил кўрган старшина Р. Тўқаев 379-ўқчи дивизия составидаги 1257-ўқчи полк разведкасининг гуруҳ командири қилиб юборилди. Кечаги ўқитувчи бугун разведкачилар сафига қўшилди.

1943 йилнинг баҳори учакишгандек анча салқин, қалин булутли ва серёғин келди. Рифқат ертўлада укаси Хилгатдан келган мактубни ўқиб ўтирган эди, алоқачи йигит чақириб қолди. Мактубга жавоб ёзишни ҳам кейинга қолдириб, алоқачи ёнига етиб борди.

— Сизни рота командири йўқлаяпти, тез етиб борар экансиз, — деди у.

Тўқаев дарҳол ертўладан чиқди-да, ҳавонинг авзойини ҳисобга олиб, рота командири олдига югуриб кетди. Аммо етиб боргунча шинели барибир шалаббо бўлиб, нам гимнастёркага ҳам етиб борди.

— Гапнинг қисқаси, эрталабгача «тил» олиб келиш керак. Дивизия командирининг буйруғи шундай. Тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ катта лейтенант.

Тўқаев рота командири ҳузуридан қайтиши билан ўз разведкачилари гуруҳини бир жойга тўплади ва берилган топшириқни шошилинч равишда тушунтирди:

— Ҳозироқ олдинги позицияга бориб, душман траншеясини ва бориш йўлларини кузатасиз, кечқурун яна шу ерга тупланиб, маслаҳатлашиб оламиз. Сизларга рухсат.

Разведкачилар ертўладан чиқишлари билан бўлим командири дурбинни қулига олди. Ташқарига чиқди-да, бошқа йўналишда олдинги позиция томон йўл олди. Кузатиш натижасини таҳлил қилиб, душманнинг орқа томонига ўтиш, «тил» қўлга киритилгач, орқага қайтиш йўлларини чамалаб қўйди.

Гуруҳ белгиланган вақтда тупланди. Ҳар бир разведкачи ўз фикрини айтди.

— Душман ҳужумга ҳозирланяпти, бу сир эмас, — деб қолди разведкачи Зимин ўз мушарпаси кўзга ташланди-ю ғойиб бўлди. Бўлим командирининг ишораси билан ҳамма жангга шай бўлиб турди. Маълум бўлдики, гитлерчилар қияликдан жарлик тубига тушишяпти.

Фашистларгача 4—5 метр қолганда Тўқаев уларнинг биринчисига ташланди. Разведкачилар дарҳол автоматларни ишга солишди. Уларга қўллаб-қувватловчи группа разведкачилари ҳам мададкор бўлишди. Командирга Зимин ёрдамга келди, биргаликда бақувват фашист қўлга олинди. Бошқалар яксон қилинган гитлерчиларнинг ёнларидаги ҳужжатларини йиғиштириб чиқишди.

Ҳужумкор группа етказиб келган «тил» ва ҳужжатлар душман бошламоқчи бўлган ҳужумни барбод қилишда жуда қўл келди.

Дивизия командири ўз буйруғи билан Р. Тўқаев бошчилигидаги разведкачилар гуруҳини орден ва медаллар билан мукофотлади.

Мажид САМАДОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, ёзувчи, журналист.

Тўра ЖУМАН,
уруш фахрийси.

ФАРЗАНД ТАЪРИФИ

Фарзандларни белга қувват—камарим деб билгайман,
Энг ишончли қобил дастёр, дагарим деб билгайман.
Тез-тез хабар олиб турар, суриштирар бор-йўқни
Кўнгил кўтарувчи нури басарим деб билгайман.
Улар борки, хотиржамман, дам оламан бемалол,
Бехавотир кундуз, кечам, саҳарим деб билгайман.
«Шаҳар обод қилармиди», — деб койишга қаршиман,
Шулар билан обод қишлоқ, шаҳарим деб билгайман.
Фарзанд — порлоқ келажагим, ҳеч туганмас давлатим,
Ғурур, савлатим, ширин жон—жигарим деб билгайман.
Шоирона ўхшатишлар топса арзир уларга,
Йўлни ёритувчи шамсу қамарим деб билгайман.
Қатордаги норинг улар, юким ерда қолмайди,
Фарзандларни, Тўра, бахтим, зафарим деб билгайман.

ТАРБИЯ КЎРГАНДА БОР

Сўзлари малҳам, даво тарбия кўрганда бор,
Каттага ҳурмат, ҳаё тарбия кўрганда бор.
Ватан элга муҳаббат, илм, фанга қизиқиш,
Камтарин юриш, ибо тарбия кўрганда бор.
Тарбияси бузуқнинг танишлари ҳам бузуқ,
Ахлоқи тузук ошно тарбия кўрганда бор.
Эгри йўлда бой бўлиб айш қилишнинг сўнгги вой,
Умр бўйи кайф-сафо тарбия кўрганда бор.
Тарбия кўрмаганда тирноқча ҳам вафо йўқ,
Тўра, ҳақиқий вафо тарбия кўрганда бор.

ЕТУКЛИК ОМИЛЛАРИ

Етуклик омилларин бири: Тўғри қарашдир,
Иккинчиси: Доимо ҳаққоний фикрлашдир.
Учинчиси: Адолат чизиғидан чиқмасдан,
Бошга қилич келса ҳам энг ростини сўзлашдир!
Тўртинчиси: Бировга ҳеч хиёнат қилмасдан,
Шукр қилиб борига, пок ва ҳалол яшашдир.
Бешинчиси: Вақтидан кечикмасдан ишламоқ,
Яна ўз мўлжалида роҳат кўришдир, гаштдир.

Xotira

ҚАЙҒУРУВЧАН БИР ИНСОН ЭДИ...

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, юз йил умр кўрсалар ҳам дунёдан ном-нишонсиз ўтиб кетаверадилар. Яна шундай одамлар ҳам борки, улар нисбатан оз умр кўрган бўлсалар-да, халқ қалбида яшайди.

Улуғ Раҳимов уруш кўрган киши эди... Шеъриятга ошнолиги бор.

Ҳаваскор шоирнинг ёшлик йиллари уруш даврига тўғри келди. 1941 йилда Самарқанд давлат дорилфунунини битирибоқ, Ватан мудофаасига — фашизмга қарши жангга отланди. Уруш йилларида у оддий аскарликдан офицер — батальон сиёсий бўлими бошлиғи даражасигача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди. Машҳур Курск жангларида қатнашиб, икки бор ярадор бўлди. Жангларда кўрсатган жасурлиги учун тўрт марта жанговар орден ва бир нечта медаллар билан мукофотланди.

Лейтенант Улуғ Раҳимов фронтда жанг қилиш билан бирга, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида шеърлар ҳам ёзди. Унинг жанг майдонида (окопларда, аскарларнинг ертўлаларида) ёзган ўнлаб шеърий машқлари оила архивида сақланмоқда.

Улуғ Раҳимов 1945 йилда фронтдан юртига қайтиб келгач, ўзининг севган касбини давом эттирди, ўқитувчи, мактаб директори, туман халқ таълими бўлими мудири вазифаларида ишлади.

Улуғ аканинг суҳбати ширин эди. У, айниқса, ватанпарварлик, дўстлик ва меҳр-оқибат ҳақида суҳбатлашишни яхши кўрарди. У ишлаб дам олар, меҳнат қилиб роҳатланар эди. Унинг бу ажойиб хислати колхоз раиси бўлиб ишлаган пайтларида, айниқса, яққол намоён бўлди.

Дарҳақиқат, Улуғ Раҳимов урушдан сўнгги дастлабки йилларда шаҳардан қишлоққа сафарбар этилган фаоллар қаторида бир қанча вақт ўзи туғилиб ўсган қишлоқда (ҳозирги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида) раис бўлиб ишлади. Бу лавозимда у жамоа хўжалиги иқтисодини, қишлоқ маданиятини кўтариш соҳасида бир қанча ибратли тадбирларни амалга ошириб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Раис бобонинг, ҳалоллик, жамоа мулкини кўз қорачиғидай асраш, тозалик ва ободонликни юксак қадрлаш сингари хислатларини қишлоқ аҳли ҳозир ҳам мамнуният билан эслаб юради...

Минг афсуски, Улуғ Раҳимов 1982 йилда машина ҳалокатига учраб, 64 ёшида вафот этди. Бу фожиа ҳам унинг жамоа мулки учун жонкуярлигидан, халқ иши учун тайёр туришидан далолат беради. Айтишларича, пахта йиғим-терими мавсуми қизғин давом этаётган кунларнинг бирида Султонобод пахта тайёрлаш пунктида ёнғин чиққани ҳақида хабар келади. Улуғ Раҳимов бу машъум хабарни эшитибоқ, зудлик билан ўт ўчириш машинасида воқеа юз берган жойга жўнайди. Йўлда фожиа — машина ҳалокати содир бўлади...

Хуллас, Улуғ Раҳимов жамиятга, эл-юртга беминнат хизмат қилган яхши инсон эди. Бинобарин, ундан яхши ном, ўчмас хотира қолди. Бу эса авлодлари учун энг қимматли маънавий меросдир. Зеро Навоий ҳазратлари:

Бу гулшан ичра ким йўқдир баҳо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик билан чиқса от,

деб ёзганлар.

Сайдулла МИРЗАЕВ,
Самарқанд шаҳри.

Oltin yoz — o'tsin soz

ОРОМГОҲЛАР ЯНА ЧОРЛАЙДИ

Ёз бошланиши биланоқ кўпчилик она табиатнинг сўлим гўшаларига интилади. Биров мовий денгиз соҳилларида сайр қилишни ёқтирса, бошқа биров тоғ ёнбағирларини хуш кўради. Ҳадемай, ўқиш тугаб, сўнгги қўнғироқлар чалинади. Ўғил-қизлар ҳам завқшавқ билан эртаклар дунёсига, беғубор, бетакрор болаликнинг шукуҳбахш кунлари ўтадиган оромгоҳларга жўнаб кетадилар.

Шу кунларда дам олиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Кези келганда шу нарсани айтиб ўтиш керак, ўтган йили Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёзги дам олиш бўйича 1996 йили 24 майдаги қарорига биноан катта ишларни амалга оширди. Натижада дам олиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда 102170 нафар, шаҳардан ташқаридаги ҳордиқ масканларида 238712 нафар, санаторий типидаги оромгоҳларда 94981 нафар юқори синф ўқувчилари дам олдилар. Биз вазирликнинг маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Марат Шафиевдан ўқувчиларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш қандай бораётганлиги ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдик.

— Бу ишни йил бошидаёқ бошлагандик. Яъни ўтган йилдагидек айрим камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига тегишли топшириқ ҳамда кўрсатмалар берилди. Республикамиздаги мавжуд оромгоҳлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида вазирлик қошида 10 кишидан иборат ишчи гуруҳи — комиссия тузилди. Комиссия аъзоларининг вазифалари дам олиш мавсумини қатъий назорат қилиш ва ташкил этишдан иборат. Бу йил оромгоҳларда жорий таъмир ишлари қисқа фурсатда соз ва қулай қилиб якунланди. Болажонларнинг кўнгилли ва мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилади.

Оромгоҳлар 12 мингдан ортиқ иқтидорли ва малакали педагоглар ҳамда хизматчилар билан таъминланади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий камолотини юксалтириш ниятида зарур чора-тадбирлар кўрилади. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари сонини ошириш ва мактабдан ташқари муассасалар, истироҳат боғлари, клублар қошида оромгоҳлар ташкил этиш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда ташкилий ишлар амалга оширилади.

Барча муҳим тадбирлар ҳокимиятлар, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ — тартибот органлари,»Камолот» жамғармаси бўлимлари, жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари, касаба уюшмалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда олиб борилади.

Мактаблар қошида ташкил этиладиган оромгоҳларда зарур моддий-техник ва тозалик талабларига мувофиқ шароит яратилмаган бўлса, бундай оромгоҳларни очиш қатъий ман этилади. Билим масканлари раҳбарларига мактабларда ювиниш хоналари, ўйин ва спорт майдончалари, салқин ва баҳаво оромгоҳлар ташкил этиш мақсадида давомли аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш масъулияти юклатилади.

Айни пайтда иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва камол топтиришга ҳам жиддий аҳамият бериляпти. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Американинг Тинчлик корпуси билан ҳамкорликда вилоят олимпиадалари ғолиблари учун махсус оромгоҳ ташкил қилинади. Бу жойда турли вилоят ва шаҳарлардан келган 400 нафар иқтидорли ўқувчи дам олади. Ҳозирда халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ҳам иқтидорли ўқувчиларнинг бир жойда тўпланиб дам олишини таъминлаш, улар билан турли учрашувлар, мусобақалар уюштириш режаларини тузмоқда.

Суҳбатдош Улуғбек ЖУМАЕВ.

Sport

ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАР СПАРТАКИАДАСИ

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Самарқанд шаҳридаги ихтисослашган «Локомотив» залида ўқувчи-талабалар IV спартакиадаси дастури бўйича оғир атлетика мусобақалари бўлиб ўтди. Мазкур беллашувда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган штангачилар иштирок этишди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида спортчилар, меҳмонлар ва ҳакамларни Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи, мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси А. Бекмуродов, «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров, Ўзбекистон Республикаси ҳакамлар ҳайъати раиси А. Боғдасаровлар қутлашди.

Қизғин ва ҳаяжонли беллашувлар остида ўтган курашлардан сўнг ғолиб ва совриндорлар маълум бўлди. Ўз вазн тоифаларига кўра Дмитрий Махатков, Шерзод Юсупов, Александр Мусаев (Тошкент вилояти), Маҳмуд Тоғаев (Бухоро вилояти), Собир Мухторов (Самарқанд вилояти), Рустам Жумамуродов, Сергей Пак (Қорақалпоғистон Республикаси), Баҳодир Бўриев (Сурхондарё вилояти), Алибек Назиров (Андижон вилояти) ва Баҳриддин Эргашев (Қашқадарё вилояти) спартакиада чемпионлари бўлишди.

Команда ҳисобида 229 очко тўплаган Тошкент вилояти командаси биринчи ўринни эгаллади. 209 очко жамғарган Қорақалпоғистон штангачилари иккинчи, самарқандликлар (205 очко) учинчи ўринни олишди. Қолган ўринларни Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари, Тошкент шаҳри, Хоразм, Қашқадарё, Сирдарё, Наманган, Фарғона, Жиззах, Навоий вилоятлари командалари эгаллашди.

1980-81 йилларда туғилган ўсмирларнинг оғир атлетика мусобақаларида кўплаб ёш спортчилар спорт устаси нормаларини бажаришди.

Спартакиада чемпионлари ва совриндорларга дипломлар, фахрий ёрлиқлар, «Баҳром ота», «Истам-Р», «Ботир», « да-бизнес» фирмаларининг қимматбаҳо совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

ҲАФТАЛИК МУСОБАҚА

Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг икки олий ўқув юрти — Самарқанд давлат университети ва кооператив институти спорт залларида бир ҳафта мобайнида баскетбол мусобақалари давом этди.

Ўсмирлар ўртасида IV спартакиада дастурига кўра саралаш мусобақалари ғолиблари — Самарқанд ва Тошкент шаҳри командалари финал мусобақаларида майдонга тушишди. Қизғин ва муросасиз ўтган учрашувда пойтахт командаси вакиллари 71:58 ҳисобида ғолиб чиқиб, бош соврин соҳиби бўлишди. Бухоро вилояти терма командаси учинчи ўринни эгаллади.

Қизлар мусобақасида ҳам Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти вакиллари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Қизиқарли учрашувда тошкентликлар 63-53 ҳисобида ғалаба қозониб, спарткиада чемпионлари бўлишди.

Ғ. МАННОПОВ, М. АҲМЕДОВ.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қарор қабул қилинди. «Соғлом авлод» дастури ишлаб чиқилди.

Поп туманидаги ҳунар-техника билим юртида бир қатор спорт тўгараклари ишлаб турибди. Болалар бу ерда тажрибали мураббийлар ёрдамида ўқув машқлари, мактаблар ўртасида ўртоқлик учрашувлари ўтказиб туришади. Р. Альбеков тасвирга туширган ушбу суратларда стадионда футбол учрашувидан лавҳа акс эттирилган.

МАҚСАД – СИФАТНИ ОШИРИШ

Сўнгги йилларда соғлом авлодни тарбиялаш дастури асосида жисмоний тарбия ва спортни амалга ошириш юзасидан Навоий шаҳрида муайян тажрибага эга бўлган жамоалар сони ортиб бораётир. Уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш халқ таълими ходимларидан изчил иш олиб боришни талаб этади.

Навоий шаҳрида «Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар таълими ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари сифатини ошириш шакллари ва услублари» мавзуида ўтказилган республика семинар-кенгашида шу ҳақда сўз юритилди.

Халқ таълими вазирлиги ва Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан уюштирилган семинар кенгашнинг ялпи мажлисини Навоий вилояти ҳокими ўринбосари А. Ҳайдаров кириш сўзи билан очди.

Ялпи мажлисда халқ таълими вазири муовини Х. Маъсудов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Шунингдек, семинар кенгашда Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б. Насриддинов, Халқ таълими вазирлари жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов, А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ кафедра мудири Т. Усмонхўжаев, Республика таълим маркази жисмоний тарбия ва чақириққача ёшлар бўлими бошлиғи К. Маҳкамжонов, Навоий шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси Т. Ибрагимов ва бошқаларнинг жисмоний тарбияни амалга оширишга доир маърузалари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Республиканинг барча вилоятларидан ташриф буюрган жисмоний тарбия бўйича мутахассис ва ўқитувчилар Навоий шаҳридаги бир қатор мактабларда бўлиб, иш тажрибаларини ўрганишди, дарсларни кузатишди.

Семинар—кенгашда муҳокама қилинган масалалар жойларда жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Мухбиримиз.

Xullas...

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Азор ороллaридан бирида яшовчи саксон ёшли фермерни трактор босиб кетди. Бу мазкур митти мамлакат тарихида содир бўлган илк автотранспорт фалокати эди. У ёғини сўрасангиз, ўша трактор майдони атиги 19 квадрат километрни ташкил этадиган оролчанинг яккаю ягона транспорти эди! Содир бўлган фожиадан сўнг, маҳаллий ҳокимият ўша яккаю ягона трактор учун йўл ҳаракати белгилари ўрнатишга қарор қилди.

ЎЗДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Ярим тун. Ереваннинг кенг кўчаларининг бирида полиция ҳуштаги чуриллади. Шаҳарнинг машҳур бир магазини ойнасини чил-чил синдириб эндигина ичкари киришга шайланиб турган уч шаввоз тум-тарақай қочиб қолишди. Бироқ, полиция бошлиғи майор С. Караптян негадир уларни таъқиб қилишга рухсат бермади.

Тонгга яқин полиция бошлиғи асабийланиб уйга қайтди ва каровати да бамайлихотир хуррак отаётган ўн етти яшар ўғлини силкитиб турғазди.

— Менинг участкамда санқиб юрганингни бошқа кўрмайин, — деди у ғазаб билан ўғлига тарсаки тушираркан...

Ўғил босинқираб турган эканми, ё отасининг муомаласи ёқмадими, ишқилиб, отасининг нақд буйин томирини мўлжаллаб зарб берди. Ота — майор, С. Караптян тил тортмай қулади. Дарвоқе, бу воқеаларнинг барчаси тергов жараёнида аниқланди.

«АЛ ҚАСОСУЛ — МИНАЛ ҲАҚ»

Жозеф исмли италиялик ҳайкалтарош ёшлигида бир кишини қасддан ўлдириб қўйди. Бу қотиллик сирлигича қолган бўлса-да, Жозеф узоқ вақт виждон азобида қайналиб юрди. Охири, чидаёлмай ўша ўзи ўлдирган одамнинг катта бир ҳайкалини ясаб марҳумнинг қабри тепасига қўйишга қарор қилди. Тақдирнинг аччиқ ҳазилини қарангки, Жозеф ўз устахонасида ҳайкалга сўнгги пардоз-андоз бераётганда фалокат содир бўлди. Ҳайкал устанинг устига ағдарилиб тушиб, уни тинчитди-қўйди...

ҚЎЛИ ГУЛ ГУЛИЧ

Можористонлик собиқ ҳарбий учувчи Шандар Гулич антиқа устачилик билан шуғулланади. У ҳисобдан чиқарилган яроқсиз самолётларни йиғади. Айни пайтда Гуличнинг коллекциясида 7 та самолёт бор. Бу коллекция ичида собиқ Иттифоқнинг жаҳонга машҳур «МИГ-21» ҳарбий ҳаво кемаси борлигини айтмайсизми?

Шандар Гулич келажакда мамлакатда ягона бўлган авиация музейи очмоқчи...

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ОЛОВЛИ ФУТБОЛ ТЎПИ

Мана, 200 йилдирки, Бабадан шаҳрида (Ғарбий Ява) анъанавий «оловли тўп» мусобақаси мунтазам равишда ўтказиб келинади. Унда одатда маҳаллий мактабларнинг битирувчилари «тўп» суришади. Гап шундаки, уларнинг тўплари нефтга булғаб олинган кокос ёнғоғи бўлиб, уни ёқишади, сўнг ўйинга ташлашади. Мусобақалар асосан тунда ўтказилади. Шунда ёниб турган «тўп» томошабинларга яхши кўринади.

САРАЛАШДА ЯМАН БИЛАН

Футбол бўйича жаҳон биринчилиги саралаш учрашувида Ўзбекистон терма жамоасининг гуруҳи бўйича рақиблари Яман ва Камбоджа жамоалари ўзаро баҳслашдилар. Ниҳоятда қизиқарли ва ҳаяжонли ўтган учрашувда дуранг (1:1) натижа қайд этилди. Энди Ўзбекистон терма жамоаси 9 май куни Яман футболчилари билан беллашишади.

ШУНҚОРЛАР, СИЗГА БАЛЛИ!

Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамда Тошкент вилояти мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ташаббуси билан «Шунқорлар»-97" ҳарбий спорт ўйини мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада Чирчиқ тумани ёшлари фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Бўстонлиқ тумани ёшлари эса иккинчи ўрин билан кифояланишди.

Мусобақа сўнгида ғолиб жамоаларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

«ҲАВАС»ГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида «Ҳавас» кубоги учун иккинчи турнир бошланди. Беллашувда вилоят ва шаҳар ҳокимлари, вазирликлар ҳамда республика идораларининг раҳбарларидан иборат 60 нафар қатнашчи 15 гуруҳга бўлиниб майдонга тушадилар. Мусобақалар доиравий усулда олиб борилади. Уч босқичдан иборат турнир финалига 8 нафар ғолиб қатнашчи чиқади. Турнирга Генрих Дашевский бошчилигидаги «Динамо» клуби аъзолари ҳакамлик қилишади.

САРАЛАР САРАЛАНДИ

Яқинда Америка Қўшма Штатларида курашнинг самбо тури бўйича навбатдаги мусобақа бўлиб ўтди. Унда асосан Гуржистон, Ўрисия, Украина, АҚШ жамоалари қаторида ўзбекистонлик полвонлар ҳам иштирок этишди. Ушбу беллашувда юртдошларимиздан Ботир Хўжаев, Ҳамза Холиқовлар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

МЕНИНГ ЖОНАЖОН ИШҚИЛИМ

Атрофи ям-яшил гиламдек товланиб ётган, қир-адирларда денгиз каби мавжланиб ётган буғдойзорлару баланд-баланд чўққиларда ястанган қорлардан сойларга таралиб оқаётган суларига, афсонавий табиати, беғубор ҳавоси, меҳнаткаш халқига эга бўлган азим Туркистон тизма тоғлари этагида Ишқили деган қишлоқ борлигини эшиттанмисиз?..

Ёши юз баҳор билан тенглашиб қолган Абдувоҳид бобонинг гувоҳлик беришича, қишлоқдаги масжид 200—25 йиллик тарихга эга экан. Ўтган йили ана шу масжид қайтадан тикланди. Бобонинг сўзларига қараганда, қишлоқнинг ёши масжиднинг ёши билан тенг экан.

Ишқилиликлар бир пайтлар Бекобод шаҳри яқинидаги Жума қишлоғи теварагида яшаган эканлар. Айтишларига қараганда, қишлоқ бойи адолатсизлик қилганлиги сабабли халқ бир кечада бойни йўқ қилиб турли томонга қочиб кетишган экан. Шунда чорва моллари кўпроқ одамлар тоғ томонга, деҳқончилик билан шуғулланадиганлар Сурхондарё томонга кетишган экан.

Ҳозирда Бекобод тумани атрофида (эски Далварзин-26) Мавлонов жамоа хўжалигида юз, Жума қишлоғи атрофида ҳам юздан ортиқ Ишқили оиласи бор. Бундан ташқари Бўка, Ховос туманларида, Тожикистоннинг Зафаробод туманида алоҳида «Ишқили» номи билан юритиладиган қишлоқлар бор. Бу қишлоқларнинг бари ўша Туркистон тизма тоғлари этагидаги сулим Ишқилидан тарқалишган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги «урбанизация»ни вужудга келтириш ҳақидаги фармон асосида икки юз хўжаликли Ишқили қишлоғи пароканда бўлган.

Юқорида биз Ишқили қишлоғининг қайси жўғрофий туманларда тарқалгани тўғрисида гапирдик. Қизиғи шундаки, ишқилиликлар қаерда тарқалишларидан қатъи назар доимо бир-бирларини йўқлайдилар. Бу ҳам халқнинг миллий анъана ва меҳр-оқибатни тўлалигича сақлаб келаётганлигидан дарак беради.

Сурхондарё вилоятида минг хўжаликли Ишқили қишлоғи бор экан. Энг қизиқ жиҳати шундаки, барча Ишқили қишлоқларининг аҳолиси этник хусусиятлари жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади.

Миллий қадриятларимизга эътибор кучайган ҳозирги даврда «Ишқили» деган ном нимани англатади? Ишқилиликлар аслида қаердан келиб чиққан деган саволларга ҳам жавоб топиш кераклиги қўлга қалам олишга ундади.

Ишқилиликларнинг бир қаршда кўзга ташланадиган ташқи белгиси, уларни чақалоғидан тортиб соқоли қуксига тушиб турган чолию оппоқ рўмол ўраб олган кампирларигача ёнғоғига қизил суртиб олган дейсиз. Бир-икки кунлик мулоқотдан кейин бу қирмизи рангнинг табиийлигидан янада ажабланасиз. Ишқилиликларнинг иккинчи белгиси, «жоқчимисиз миймон, қўш келибсиз ойном» деб сўрашишларида кўзга ташланади.

Қишлоқнинг жўғрофий жойлашуви ҳам қизиқ. Қишлоқнинг қоқ ўртасидан ўтган сой уни иккига ажратиб туради. Бор-йўғи ўттиз хўжаликдан иборат халқ (қўчиб кетганлардан қолгани) сойнинг икки бетида ўтроқ ҳаёт кечириб келмоқда. Қишлоқ эса баланд тоғнинг шундайгина этагида жойлашган. Фақат қишлоққа кириб келинадиган томонгина очиқ, қолган уч томон тоғлар, қалин арчазорлар билан ўралган. Қаранг-ки, қўёш ҳам қишлоқ учун «кеч чиқиб, бир пасда ботади». Томнинг устига ёки қирга чиқиб пастга қарасангиз қўёш ҳамма ёққа ўз нурини сочиб турганлигини кўрасиз. Бу пайтда ҳали Ишқилига қўёш нури тегмаган бўлади.

Қишлоққа илк бор келган одамнинг хаёлидан устун билан қишлоқнинг устини бекитиб қўйса ҳам бўлар экан деган фикр ўтади. Аммо қишлоқликлар эрта тонгданоқ ишга киришишади. Халқ шунга ўрганган. Ҳар бир хонадонда бўлмаганида иккитадан сигир бор. Аксарият хонадонларда от, ҳеч бўлмаганда ўнтадан қўй бор. Сут, қатиқ ва қимиз керагидан ҳам зиёда. Сут ва қатиғидан ҳар хил гулларнинг таъми келади.

Бу ерда моллар подада боқилмайди. Саҳар чоғи ўзлари тоғ томонга қараб ўтлаб кетишади. Кечки ғиранширада яна ўзлари қайтиб келишади. Бу нарса шартли рефлексга айланиб қолганлиги учун халқ молларидан хавотирсиз яшайди. Халқ ташқаридан мол сотиб олмайди. Сабаби, биринчидан насл ушлаш, иккинчидан молларнинг соғломлигига кафолат бўлса, учинчидан кишлоқ-қа келган бегона молни ҳазл ўтмай бури еб қўяр экан.

Деҳқончилик ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳар бир хонадон ўзига яраша картошка, сули, арпа, буғдой, нўхат, зигир экишади. Донни унга, ёрмага айлантирувчи тегирмон ҳам бор.

Кечки пайт тоғ томондан майин шаббода эсиб туради. Экинлар қор ва булоқ суплари ҳисобига суғорилади. Тупроғи унумдор, чириндиларга бой. Шунинг эвазига бўлса керак халқ селитрани эшиттан бўлса-да, кўзи билан кўрмаган десам ишонаверинг.

Қишлоқда полиз экинларидан қовун, тарвуз бўлмайди. Ҳавонинг салқинлигидан узум ҳам мева тугмайди. Энг эртапишар узум ҳам палак отиб кетаверади, аммо мева бермайди. Жумладан анор ҳам бўлмайди. Ўрик яхши пишади, помидор августнинг охирида қизаради. Шу хусусиятларга қараб ҳавони ҳам билса бўлади. Ёз иссиғи нари борса 32—35 С га етади, аммо қиш ҳам унча қаттиқ эмас. (-12-15 С). Континентал иқлим зонаси деса ҳам бўлади. Чунки ёзнинг чилласида ҳам кеч кириши билан тун кийиб ётишга тўғри келади.

Қишлоқ аҳолисининг ўзига хос тарбияси шундан иборат-ки, бу ерда ҳеч ким чекмайди ва ичмайди. Ҳатто қариялар ҳам «қанд касаллиги», «давление» ҳақида тасаввурга эга эмаслар.

Қишлоқ туман марказидан ўн чақирим узоқликда жойлашганлиги сабабли, унда телефон ҳам, тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ҳам йўқ. Асрлардан бери халқ табобатига оид тажриба авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлиги боис ҳар бир хонадон ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Қишлоқда транспорт воситаси, асосан от, эшак ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳар бир хонадонда мотоцикл ва енгил машиналар ҳам бор.

Қишлоқнинг номи нима учун «Ишқили» деб аталишига келсак, бу ҳақда бир неча фаразлар бор. Бировлар «Ишни қилди», «Иш хили» дейишса, яна бировлар «Ишқ эли» деб ҳам юритишади. Қишлоқ номининг келиб чиқиши, унинг тарихи ва халқининг қайси уруғга мансублиги тўғрисида археолог ва тарихчи олим П. Хўжаев, Сурхондарёда яшаётган ишқилилик педагог олим У. Иброҳимов, кекса журналист Ғ. Уроқли ва бошқалар билан суҳбатлашиб, мунозара қилиб кўрдик. Аммо ҳамон тугал бир ечимга эга бўлганимизча йўқ.

Бу мақоланинг ёзилишидан кўзланган мақсад «Ишқили» қишлоғи ва «ишқили» уруғи ҳақида тугал, аниқ маълумотларга эга бўлишдир. Маънавиятимиз ва миллий қадриятларимиз қайтадан бўй бериб, ўзини кўрсатаётган бир шароитда «Ишқили» тўғрисида ҳам илмий ва асосли маълумотларга эга бўлсак, тарихимизнинг яна бир саҳифаси очилар эди.

Ҳабибулло ИШҚИЛИ, педагогика фанлари номзоди.

Тошкент вилояти педагогика билим юрти жамоаси «Бошланғич синфларда ўқитиш» бўлими бошлиғи И. Магдиевага турмуш ўртоғи Ким ВАШИРОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҚУТЛОВ!

Ҳурматли Мусурмон ака НОРМАТОВ!

Сизни таваллудингизнинг 60 йиллик тўйи муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз. Илм кишиларига ғамхўрликка йўғрилган фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Нуробод тумани бўлими жамоаси.

Ҳурматли ҳамкасбимиз Аҳмад ЖАЛИЛОВ!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин қалбдан қутлаймиз. Барча ишларингизда муваффақият, оилангизга тинчлик ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Денов тумани халқ таълими бўлими жамоаси.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Лукмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0300. Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6